

Имом Мотуридийнинг илмий меросини тарғиб қилиш бўйича онлайн йиғилиш ўтказилади



20:24 / 16.03.2021 1556

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази қошидаги «Халқаро илмий ҳайъати»нинг дастлабки йиғилиши жорий йилнинг 17 март куни, соат 14:00 да онлайн тарзда ўтказилади.

Унда Абу Мансур Мотуридий ва унинг издошлари бўлган алломаларнинг ҳаёти ва бой илмий-маънавий меросини халқаро жамоатчиликка етказиш, Ислом оламида мўътадил таълимотни кенг тарғиб қилиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов раислигида Миср, Иордания, Туркия, Германия, Босния ва Герцеговина, Россия, Афғонистон, Малайзия, Қозоғистон, Қирғизистон каби 10 та мамлакатдан 30 дан зиёд етакчи олимлар, эксперт-мутахассислар

иштирокида Халқаро илмий ҳайъатнинг дастлабки йиғилиши ўтказилиши
режалаштирилган.

Қуйидаги ҳавола орқали сиз ҳам иштирок этинг:

<https://us02web.zoom.us/j/84860325418?pwd=SEtpRmZoNFhxRUpYWEpEb3FUU1F4Zz09>